



LEGAL AND PRACTICAL CHALLENGES IN COLLECTING DIGITAL EVIDENCE DURING THE PRE-INVESTIGATION STAGE

Uralov Sarvarjon Anvarjon o'g'li

Chief Research Officer at the Center for Methodological Support of Internal Affairs Bodies, Captain

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17660776>

ARTICLE INFO

Received: 13th November 2025

Accepted: 19th November 2025

Online: 20th November 2025

KEYWORDS

Digital evidence, pre-investigation, electronic information, forensic copy, hash sum.

ABSTRACT

This article analyzes pressing issues in collecting electronic information and its carriers during the pre-investigation stage. The author evaluates the practical significance of 2024 amendments to the Criminal Procedure Code and identifies systemic deficiencies in handling digital evidence during personal searches and seizures, crime scene examinations, and expert appointment procedures. Based on court practice and survey results, it demonstrates that procedural norms incompatible with the fragile nature of electronic data lead to legal violations and inadmissibility of evidence. The article presents concrete proposals for improving current legislation.

ТЕРГОВГА ҚАДАР ТЕКШИРУВ БОСҚИЧИДА РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАРНИ ТЎПЛАШНИНГ ҲУҚУҚИЙ ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ

Уралов Сарваржон Анваржон ўғли

Ички ишлар органлари фаолиятини услубий таъминлаш маркази бош илмий ходими, капитан

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17660776>

ARTICLE INFO

Received: 13th November 2025

Accepted: 19th November 2025

Online: 20th November 2025

KEYWORDS

Рақамли далиллар, терговга қадар текширув, электрон маълумот, форензик нусха, хеш-сумма.

ABSTRACT

Мақолада терговга қадар текширув bosqichida elektron ma'lumot va ularni tashuvchi vositalarni to'plashning dolzarb muammolari tahlil qilingan. Muallif 2024-йилда Жиноят-процессуал кодексига киритилган янгилекларнинг амалий аҳамиятини баҳолаб, шахсий тинтув ва олиб қўйиш, ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳамда экспертиза тайинлаш жараёнларида рақамли далиллар билан ишлашдаги тизимли камчиликларни очиб беради. Судлар амалиёти ва сўровнома натижалари асосида электрон маълумотларнинг мўрт табиатига мос



келмайдиган процессуал нормалар қонунбузарликлар ва далилларнинг номақбул деб топилишига олиб келаётганлиги исботланган. Мақолада мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш бўйича конкрет таклифлар киритилган.

КИРИШ

Замонавий жиноятчилик тобора рақамлашиб бораётган даврда электрон маълумотлар жиноят ишларини очишнинг асосий манбаига айланмоқда. Смартфонлар, ноутбуклар ва бошқа рақамли қурилмалар жиноятнинг "гувоҳлари" сифатида муҳим роль ўйнамоқда. Бироқ, электрон маълумотларнинг мўрт табиати – сониялар ичида ўчирилиши, шифрланиши ёки масофадан йўқ қилиниши мумкинлиги – ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари олдида янги ва мураккаб вазифаларни қўймоқда.

2024-йил 21-ноябрда Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгартишларрақамли далиллар билан ишлашда туб бурилиш ясади. Хусусан, кодекс "Электрон маълумотлар", "Рақамли далиллар" каби янги нормалар билан тўлдирилди. Бироқ, қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқлар ва амалиётчилар томонидан қоидалар нотўғри қўлланилиши жиддий муаммолар туғдирмоқда.

ШАХСИЙ ТИНТУВ ВА ОЛИБ ҚЎЙИШДА РАҚАМЛИ ДАЛИЛЛАР

Жиноят-процессуал кодекснинг 162-моддаси шахсни ушлаш жараёнида шахсий тинтув ва олиб қўйишга рухсат беради. Бу норма жиноят иши қўзғатилмасдан аввал ўтказилиши мумкин бўлган, кечиктириб бўлмайдиган процессуал мажбурув чораси бўлиб, рақамли далилларни сақлаб қолишда муҳим аҳамиятга эга.

Бироқ амалиётда бу борада жиддий камчиликлар кузатилмоқда. Ўрганилган жиноят ишларининг 17 фоизда гумон қилинувчи ёки унинг шериклари томонидан рақамли далилларни қасддан ўчириб юбориш ҳолатлари қайд этилган. Бу электрон қурилмаларни дарҳол олиб қўйиш зарурлигини тасдиқлайди.

Миробод тумани судининг амалиёти бу муаммони яққол кўрсатади. Фуқаро Ш.В. ўз офисида ушлангач, тезкор ходимлар унинг чўнтагидан смартфонни қонуний равишда олиб қўйишган, аммо кейинроқ шкафдаги ноутбукни ҳам олиб қўйишган. Суд бу ҳаракатни ноқонуний деб топиб, ноутбукни ашъёвий далиллар сафидан чиқарган. Бу мисол "шахснинг уонидаги буюмлар" тушунчасининг нотўғри талқин этилиши оқибатларини кўрсатади.

Ўтказилган сўровнома натижалари вазиятнинг жиддийлигини тасдиқлайди. Терговга қадар текширувни амалга оширувчи ходимларнинг 80 фоизи "олиб қўйишни мустақил тергов ҳаракати сифатида ўтказганман" деб жавоб берган. Бу эса амалиётчиларнинг мутлақ аксарияти қонунни четлаб ўтиб, процессуал жиҳатдан далилларни нотўғри тўплаётганини билдиради.



Рақамли далиллар билан боғлиқ вазият янада оғирроқ. "Электрон қурилмаларни олиб қўйишда мутахассис жалб қиласизми?" деган саволга респондентларнинг атиги 12,5 фоизи "доимо", 22,5 фоизи "баъзан", 65 фоизи эса "жалб қилмайман" деб жавоб берган.

Шунингдек, ўрганилган жиноят ишларининг 84,6 фоизида электрон маълумотларнинг ишга алоқадорлигига қараб ажратиб олинмасдан, тўлиқ ҳажмда олиб қўйилгани аниқланди. Бу эса фуқароларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқлари оммавий равишда бузилишига олиб келмоқда.

ҲОДИСА СОДИР БЎЛГАН ЖОЙНИ КЎЗДАН КЕЧИРИШНИНГ МУАММОЛАРИ

Жиноят-процессуал кодекснинг 137-моддаси ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш тартибини белгилайди. Бу тергов ҳаракати айнан шу жойда жиноят жойида содир этилганлиги ёки унинг излари борлиги ҳақида маълумотлар бўлган тақдирда ўтказилади. Рақамли далиллар учун бу норма алоҳида аҳамиятга эга, чунки электрон излар – лог-файллар, кеш-хотира, вақтинчалик файллар тезда йўқолиши мумкин.

Бироқ замонавий жиноятчиликда "ҳодиса жойи" тушунчаси тубдан ўзгарди. Масалан: Яккасарой тумани суди томонидан кўриб чиқилган жиноят ишида фуқаро Ф.Б. ўзининг "Telegram" каналига экстремистик мазмунли 11 та видеойозувни жойлаштирган канални терговчи анъанавий "ҳодиса жойи" деб баҳолаб, кўздан кечириш ўтказган.

Бу ердаги асосий муаммо шундаки, Жиноят-процессуал кодекснинг 137-моддасининг 4-қисмида "олинган нарсалар, ҳужжатлар ва излар ўралади ва муҳрланади" деган талаб мавжуд. Telegram каналдаги электрон маълумотни қандай "ўраш ва муҳрлаш" мумкин? Бу норма рақамли далилларнинг моҳиятига мутлақо зидд.

Иккинчи муаммо – далилнинг аутентиклиги (ҳақиқийлиги) масаласи. Маълумотни шунчаки компьютерга юклаб олиш ва дискка ёзиш унинг метамаълумотларини ўзгартириб юбориши ёки йўқолишига олиб келиши мумкин. Далилнинг ўзгармаганлигини исботлаш учун махсус дастурий воситалар ёрдамида хеш-сумма олиниши шарт эди.

Юнусобод тумани судининг амалиёти яна бир жиддий камчиликни очиб беради. Фуқаролар Л.И. ва У.Н.ларга тегишли смартфонлар олиниб, уларнинг иловалари мажбуран очилган ва ички хотираси кўздан кечирилган. Тезкор вакил бу мажбурий ҳаракатни "ҳодиса жойини кўздан кечириш" сифатида расмийлаштирган.

Кўздан кечириш ихтиёрийликка асосланган тергов ҳаракати. Смартфонни эгасининг розилигисиз олиб, унинг ички хотирасига кириш ўз моҳиятига кўра тинтув ҳисобланади, қўзғатилган жиноят иши бўйича фақат суд ажрими асосида ўтказилиши мумкин.

Таҳлилларга кўра, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларда "ҳодиса жойи" тушунчаси тубдан ўзгарган – бу виртуал макон ҳисобланади. Бироқ масофавий кўздан кечиришнинг ягона стандарти мавжуд эмас. Ўрганилган



ҳолатларнинг 57 фоизида анъанавий байённома тузилиб, унга скриншотлар илова қилинган, 29 фоизида видеойозув асосий далил сифатида сақланган.

ЭКСПЕРТИЗА ТАЙИНЛАШДАГИ КАМЧИЛИКЛАР

Жиноят-процессуал кодекснинг 22-боби экспертизага бағишланган бўлиб, терговга қадар текширув босқичида ҳам экспертиза тайинланиши мумкин. Рақамли далиллар учун компьютер-техник экспертизанинг аҳамияти беқиёсдир – ўчирилган файлларни тиклаш, шифрланган маълумотларни очиш, хеш-сумма орқали далилларнинг айнанлигини тасдиқлаш имкониятлари мавжуд.

2024-йилги ислоҳот муҳим қадам бўлди. Жиноят-процессуал кодекснинг 175-моддасига киритилган ўзгартишга кўра, "ахборот тизимларида сақланаётган электрон маълумотлар" экспертизанинг мустақил объекти сифатида расман эътироф этилди. Бироқ бу ислоҳот рақамли далилларнинг "асл нусхаси" тушунчасининг мавҳумлиги муаммосини ҳал этмади.

Миробод тумани судининг амалиёти бу муаммонинг оқибатларини кўрсатади. Терговчи фуқаро Ф.М.га тегишли "iPhone 12 Pro" смартфонидан 127 та фотосурат ва 34 та видеофайлни ҳеч қандай махсус криминалистик воситаларсиз, оддий USB-кабель орқали ўз компютерига кўчириб олган. Нусха олиш жараёнида файлларнинг хеш-суммаси ҳисобга олинмаган, метамаълумотлари ўзгартирилган.

Суд 2025-йил 15-мартдаги ажрими билан ушбу рақамли далилларни "процессуал тартиб бузиб олинган ва ҳақиқийлиги тасдиқланмаган" деб топиб, уларни номақбул деб топган. Бу прецедент қонунчиликдаги бўшлиқ ва амалиётдаги саводсизлик оқибатларини яққол кўрсатади.

Яна бир муаммо – экспертизада объектларнинг "шикастланиши" масаласи. Жиноят-процессуал кодекснинг 175-моддасининг иккинчи қисмида "текшириш объектлари текширув учун қай даражада зарур бўлса, шу даражада шикастланиши мумкин" дейилган. Электрон маълумотларга нисбатан бу қандай қўлланилади?

Самарқанд шаҳар судининг кўриб чиққан ишида бу муаммо очиқ намоён бўлди. Эксперт нотбукни ёқиб, Windows тизимига кириб, файлларни очиб кўриб чиққан. Натижада барча файлларнинг "охирги кириш вақти" ўзгарган, булутли хизматлар синхронизацияланган, IP-манзил ва геолокация маълумотлари эксперти заборат орияси манзилига алмашган. Суд "эксперт ҳаракатлари натижасида электрон маълумотларнинг дастлабки ҳолати қайта тикланмас даражада ўзгартирилган" деган тўхтам билан экспертиза хулосасини ишдан чиқариб ташлаган.

Фарғона шаҳар судининг амалиёти экспертиза тайинлаш қарорида рақамли далилларни идентификациялаш муаммосини кўрсатади. Қарорда "қора рангли Samsung маркали телефон – 2 дона; кулранг ноутбук – 2 дона" деб умумий ёзилган. Аслида эса бир телефон паролли, иккинчиси Face ID билан блокланган, бир ноутбукда BitLocker шифрлаш ёқилган эди. Натижада эксперт тўлиқ бўлмаган хулоса беришга мажбур бўлган.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Жиноят-процессуал кодекснинг терговга қадар текширув босқичига оид нормалари рақамли далилларнинг нозик ва



ўзгарувчан хусусиятига мос эмас. Асосий муаммо – қонунчилик ва амалиёт ходимлари электрон қурилмаларни оддий ашъевий далил сифатида қабул қилиши, уларнинг ўчирилиши, ўзгартирилиши ва масофадан йўқ қилиниши мумкинлигини инобатга олмаётганидир.

Процессуал хатоликлар оқибатида муҳим бўлган рақамли далиллар судда номақбул деб топилмоқда. Бу эса жиноят содир этган шахсларнинг жавобгарликдан қутулиб қолишига ва фуқароларнинг ҳуқуқлари бузилишига олиб келмоқда.

Вазиятни ҳал қилиш учун қуйидаги таклифлар этилади:

Биринчидан, Жиноят-процессуал кодекснинг 162-моддасига ўзгартишлар киритиб, электрон маълумот ва уларни ташувчи воситаларни олиб қўйишнинг аниқ тартибини белгилаш зарур. Мутахассис жалб қилиш мажбурий бўлиши, "шахснинг ёнидаги буюмлар" тушунчаси аниқроқ таърифланиши керак.

Иккинчидан, виртуал маконни кўздан кечириш учун алоҳида 137¹-модда киритиш мақсадга мувофиқ. Бу моддада масофавий кўздан кечириш тартиби, хеш-сумма олиш мажбуриятлари, видеойозув талаблари аниқ белгиланиши лозим.

Учинчидан, кўздан кечириш байённомаси (141-модда) рақамли далилларнинг техник хусусиятларини акс эттириши керак. "Об-ҳаво" ва "ёруғлик" ўрнига IP-манзил, қўлланилган дастурий воситалар, файлларнинг хеш-суммаси кўрсатилиши шарт.

Тўртинчидан, экспертизага оид нормаларни (22-боб) такомиллаштириш зарур. Форензик нусха олиш, write-blocker қўллаш, chain of custody (далилларни сақлаш занжири) талабларини қонун даражасида мустаҳкамлаш керак.

Хулоса қилиб айтганда, рақамли далиллар билан ишлаш учун Жиноят-процессуал кодексида комплекс ислоҳотлар ўтказиш даврининг объектив талабидир. Мавжуд қонунчилик XX асрнинг иккинчи ярмига хос анъанавий далиллар учун ишлаб чиқилган бўлиб, XXI аср рақамли реаллигига мос келмайди. Таклиф этилаётган ўзгартишлар далилларнинг мақбуллигини таъминлаб, ҳам фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади, ҳам жиноятларни самарали очиш имконини беради.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. – 1995. – № 2. – 5-модда. [Электрон манба]. – Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, Lex.uz. – URL: <https://lex.uz/docs/111460>
2. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ-1003-сонли Қонуни // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 21.11.2024 й., 03/24/1003/0943-сон.
3. Миразов Д.М., Ражабов Б.А., Рашидов Б.Н., Султонов А.А. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик / М.А. Ражабова таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2018. – 205 б.



4. Жиноят ишлари бўйича Миробод туман суди архиви (турли сонли ишлар, 2024-2025 йй.).
5. Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди архиви (турли сонли ишлар, 2024-2025 йй.).
6. Ўтказилган сўровнома натижалари (2024-2025 йй.).